




**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**9 (71) 2024**

**Сопредседатели редакционной  
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАЖИДОВ  
Б.З. АБДУСАМАТОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
А.С. ИЛЬЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
М.Р. МИРЗОЕВА  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВЕВ  
С.А.ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Ш.Т. САЛИМОВ  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**9 (71)**

**2024**

*сентябрь*

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.08.2024, Accepted: 02.09.2024, Published: 10.09.2024

UQK 631.574/577:633.39

## ZAMONAVIY BOG'DORCHILIK VA UZUMCHILIK SHIRKATLARIDA MEHNAT SHAROITINING GIGIENIK ASOSLARI

Berdiev Umidjon Azimovich <https://orcid.org/0009-0008-7960-9762>

Abu Ali ibn Sino nomidagi Buxoro davlat tibbiyot instituti, O'zbekiston, Buxoro, st. A. Navoiy. 1  
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ *Rezyume*

*Maqolada zamonaviy bog'dorchilik va uzumchilikni rivojlantirishda mavjud muammolar bayon etilgan hamda ularning yechimi bo'yicha ilmiy va amaliy ahamiyatga molik taklif-tavsiyalar berilgan.*

*Kalit so'zlar: bog'dorchilik va uzumchilikda maxsulotlarni, qayta ishlash, eksport, klaster, kooperatsiya, samaradorlik, qiymat zanjiri.*

## ГИГИЕНИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ УСЛОВИЙ ТРУДА НА СОВРЕМЕННЫХ САДОВОДЧЕСКИХ И ВИНОГРАДНИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Бердиев Умиджон Азимович <https://orcid.org/0009-0008-7960-9762>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,  
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ *Резюме*

*В статье описаны существующие проблемы в развитии современного садоводства и виноградарства, а также предложены научные и практические предложения по их решению.*

*Ключевые слова: производство, переработка, экспорт, кластер, кооперация, эффективность, цепочка добавленной стоимости в садоводстве и виноградарстве.*

## HYGIENIC BASES OF WORKING CONDITIONS IN MODERN HORTICULTURE AND VINEYARD COMPANIES

Berdiev Umidjon Azimovich <https://orcid.org/0009-0008-7960-9762>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi.  
1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ *Resume*

*The article describes the existing problems in the development of modern horticulture and viticulture, and offers scientific and practical suggestions for their solution.*

*Key words: production, processing, export, cluster, cooperation, efficiency, value chain in horticulture and viticulture.*

### Долзарблиги

Республикаимиз кишлок хўжалиги тармоғида боғдорчилик ва узумчиликни алоҳида ўрин тутди. Боғдорчилик ва узумчиликни маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан биргаликда, маҳсулотлар экспорти натижасида валюта тушумларининг бир манбаси ҳамдир. Бугунги кунда республикаимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ кишлок хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Шу билан бирга, соҳада айниқса мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришда самарали бозор механизмлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги,

илмий ёндашувнинг етарли эмаслиги тармоқнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келмоқда. Тармоқнинг мавжуд салоҳиятини сақлаб олиш ва ошириб боришга сўнгги йилларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса мева-сабзавот ва узумзорларни кенгайтириш, эскирган токзорларни қайта экиш мақсадида олиб борилаётган ташкилий ислохотлар, шунингдек, интенсив технологияларни қўллаш орқали токзорлар ҳосилдорлигини оширишга эътибор қаратилиши "Экономика и социум" №4(107)-1 2023 www.iurg.ru 601 натижасида 2017- 2022 йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 3 баробар, қайта ишланган виночилик маҳсулотлари 4,2 баробар, экспорт қилинган узум маҳсулотлари миқдори 1,8 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин. 2022-2026 йилларга мўлжалланган "Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"да белгиланган 30 - "Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш" мақсадда "экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчилик, узумчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш" вазифаси белгиланган. Республикамизда узумчилик ва мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, ички бозорни тўлдириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида давлатимиз раҳбари ҳамда ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388 сонли "Ўзбекистон Республикасида мева сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 2018 йил 17 октябрдаги "Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3978 сонли қарори, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239 сонли "Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853 сонли фармони, 2019 йил 11 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида" ги қарорлари тармоқни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. "Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга мувофиқ, мева сабзавотчилик, хусусан, узумчилик соҳасида ҳам кўшилган қиймат занжирини яратишни рағбатлантириш, сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг экспорти барқарорлигини таъминлаш, бундай маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ихтиёрий ва пай асосида иштирок этиш тамойилларида мустақил ва ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг кооперацион бирлашиши негизида қишлоқ хўжалиги "Экономика и социум" №4(107)-1 2023 www.iurg.ru 602 бирлашмалари институтини яратишга асос солинди. Ушбу қарор ижроси бўйича 2019 йилда Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг 8 та туманида жами 41 та, 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 22 та туманида 31 та мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалик бирлашмалари ташкил этилди. Президентимизнинг 2019 йил 11 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарориди қишлоқ хўжалигида кластерлар ва кооперация тизимини янги қоидалар бўйича ривожлантириш белгиланди. Қарорга мувофиқ токзорлар барпо этиш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш объектларини яратиш учун 20 млрд сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича фоиз ставкасининг МБнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига компенсация ёки кредит суммасининг 50 фоизи миқдорида кафиллик тақдим этилиши, интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этадиган банкларга шбу лойиҳалар учун кредитлар ажратишда боғ ва токзорлар ҳосилга киргунга қадар асосий қарз бўйича имтиёзли давр белгилаш, маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар ҳамда пайвандтаглар сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш каби имтиёзлар белгиланди. Мазкур қарорлар ижроси бўйича тармоқда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар қуйидаги иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал қилиш имконини яратмоқда: иқтисодий жиҳатдан – мева-сабзавот ва

узумчилик жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 32,2 фоизини (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8,7 фоизи) ташкил қилиб, қишлоқ жойларида аҳолининг асосий даромад манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қайта ишлаш саноати ривожига бевосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, ушбу тармоқ мамлакат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортида асосий ўринни эгаллайди; ижтимоий жиҳатдан – мева-сабзавот ва узумчиликни барқарор ривожлантириш қишлоқ аҳолиси билан биргаликда, мамлакат барча аҳолисининг ижтимоий фаровонлигини оширишга таъсир кўрсатади. Мева-узумчиликни ривожлантириш учун ҳуқуқий базанинг яратилиши, кўрилатган ташкилий чора-тадбирлар, тармоқ учун берилган имтиёзлар билан бирликда тармоқ ривожини учун тўсик бўлган баъзи муаммолар ҳам мавжуд. “соҳада айниқса, мева сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришда самарали бозор механизмлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги, илмий ёндашувнинг етарли эмаслиги тармоқнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, "Экономика и социум" №4(107)-1 2023 www.iupr.ru 603 гилосдан 6 баравар, ёнғокдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд” [4]. Шунингдек, узумни қайта ишлаш, сақлаш ҳамда экспорт қилишда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмайпти, деб бўлмайди. Бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот ва узумнинг атиги 15 фоизи қайта ишланиб, 8 фоизи экспорт қилинмоқда, холос. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикада узум етиштириш ҳажмининг ошиб бориши узумни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича мавжуд бир қатор муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, соҳани ислоҳ қилишда замонавий инновацион, ресурс тежайдиган рақамли технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда баъзи ўзгаришларни амалга оширишни тақозо қилади. Фикримизча кўйидаги муаммолар узумчиликни янада ривожлантириш, тармоқ маҳсулотларини кенг миқёсда экспортини амалга ошириш имкониятларини чегаралаб келмоқда: - республикада узумчилик соҳасини чуқур модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш масалалари ҳозирча тўлиқ ўз ечимини топмаган; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чиройли қадоқлаш ва дизайнни яхшилаш бўйича имкониятлардан етарли фойдаланилмаяпти; - мева-узум маҳсулотларини сақлаш учун махсус совуткичли омборлар сиғими талабни қондириш учун етарли эмас; - мева-узум маҳсулотларини узок масофаларга ташиш бўйича логистика тизими яхши йўлга қўйилмаган; - кўпчилик фермерлар ва деҳқонлар жаҳон бозорларидаги нарх наволар, конъюнктура ва рақобат муҳити, экспорт опрецияларини амалга ошириш тартиблари, жаҳон бозорларида амал қилувчи меъерий-ҳуқуқий қонунлар ва қоидалар тўғрисида керакли билим ва кўникмаларга ҳамда ишончли ахборотлар каналларига эга эмас; - республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқаришга кўмаклашувчи консалтинг ва сервис хизматлари, инфратузилмалар етарли ривожланмаган. Бу муаммоларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, уларнинг ечимини топиш тармоқ ривожини учун бугунги куннинг долзарб вазибаларидан биридир.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Бизнинг фикримизча республикада узумчиликни янада ривожлантириш бўйича кўйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

1. Боғдорчилик ва узумчилик тармоғларида бажариладиган агротехник тадбирларнинг механизациялаштириш даражасини ошириш. Узумчиликка ихтисослашган деҳқон фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тармоқ агротехникаси учун мавжуд махсус техника воситаларини сотиб олишлари учун паст фоизли ва узок муддатли "Экономика и социум" №4(107)-1 2023 www.iupr.ru 604 кредитлар ажратиш, техника воситаларини лизинг асосида етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш.

2. Боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари етиштирувчилар манфаатдорлигини ошириш, улар етиштирган узум маҳсулотларини сотиб олиш, ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш, ҳамда қайта ишлаш ва экспорт қилишни ташкил этиш мақсадида кластер тизимини янада ривожлантириш. Экспорт қилувчига кредит ажратиш, суғурталаш, ташқи бозорларда ўрин эгаллаш, “географик, иқтисодий, молиявий ва сифат хавфлари”, транспорт-логистика, тегишли сертификатлар олиш, озик-овқат хавфсизлиги ва стандарт масалаларида ҳар томонлама амалий ёрдам бериш, халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирокини таъминлашга кўмак бериш.

3. Турли мулкчилик шаклидаги боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш, узумни қайта ишлаш соҳасида монополияга барҳам бериб, рақобатни кучайтириш. Республиканинг боғдорчилик ва узумчиликни етиштирувчи

худудларида маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналарининг ихчам ва кичик шохобчаларини ривожлантириш асосида етиштирилаётган узум маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни кўпайтириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорга харидоргир, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган тадбирларни рағбатлантириш (валюта ажратиш, солиқ имтиёзлари бериш, кредитлар ажратиш ва бошқалар).

4. Бевосита боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини етиштирувчилар учун маҳсулотларини сақлаш учун шароитлар яратиш. Ҳозирда етиштирилган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини худудларда сақлаш учун совутгичлар билан таъминланганлик даражаси 3,7 фоизни ташкил этмоқда. Дехқон ва фермер хўжаликлари, шахсий томорқа хўжаликлари эҳтиёжларига мос кичик ҳажмли узумни сақлаш омборлари қурилиши, совутиш ва бошқа сақлаш жиҳозлари сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш.

5. Рақамли инновацион технологияларга асосланган “Агропарк” ва “Агросаноат” кўп тармоқли агрологистика мажмуаларини ҳар томонлама қулай жойларда ташкил этиш. Ушбу мажмуада маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, сотиш, биологатория хизмати, стандартлаштириш ва экспортгача бўлган барча жараёнлар тизимини яратиш. Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши узумчилик тармоғининг ривожланиши, узумчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ошиши, маҳсулот экспорти географиясини кенгайтириш ва натижада тармоқ самарадорлигининг ўсишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Боғдорчилик ва узумчиликни ширкатларида физик, кимёвий ва биологик омилларни ишчилар саломатлик кўрсаткичларига таъсирини гигиеник баҳолаш;

**Тадқиқот усуллари.** Боғдорчилик ва узумчиликни ширкатларида ходимларининг меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва иш жараёнини соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда гигиеник, санитар кимёвий, физиологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

#### **Натижа ва таҳлиллар**

Боғдорчилик ва узумчилик ширкатларида маҳсулотларини парваришlash алоҳида ажратилган гуруҳларга бириктирилган.

Гуруҳлардаги ишчилар сони маҳсулотларнинг ҳажмидан келиб чиқиб белгиланган. Ишлаб чиқаришнинг асосий технологияси маҳсулотларни озуклантиришдан иборат. Боғдорчилик ва узумчиликни ширкатларида кўчатларни озук тарқатиш куйидагича амалга оширилади: Таббий ва суний ўғитларни олиб келиниб, ишчи томонидан сувга аралаштирилган ҳолда тарқатилади. Бунда ишчига катта жисмоний босим таъсир этади. Ишчининг қомати мажбурий ҳолатда бўлиб, қўл, елка, оёқ мушакларига жисмоний босим пайдо бўлади.

Ушбу омилларни камайитиришга қаратилган техник, технологик ва гигиеник чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

#### **Bog'dorchilik va uzumchilikni shirkatlarida ish joylarida chang miqdori**

| T/p | Tekshiruv manbalari               | Changning ruxsat etilgan kontsentratsiyasi standarti, mg/m <sup>3</sup> , | Bog'dorchilik majmuasi ish joylaridagi chang miqdori, mg/m <sup>3</sup> | Uzumchilik majmuasi ish joylaridagi chang miqdori, mg/m <sup>3</sup> |
|-----|-----------------------------------|---|---|--|
| 1   | Omborxonaning yopiq bino          | 4,0   | 9,2±0,7   | 10,2±0,9   |
| 2   | Omborxonaning ochiq bino          | 4,0   | 6,5 ±0,5  | 7,4 ±0,7   |
| 3   | Uzumlarni saqlanadigan yopiq bino | 4,0   | 4,8±0,2   | 4,1±0,3  |
| 4   | Uzumlarni saqlanadigan ochiq bino | 4,0   | 4,2±0,3   | 3,5±0,2  |
| 5   | Og'itlarni tayyorlash sexi        | 4,0   | 10,6±0,5  | 12,6±0,7   |

## Хулоса

Боғдорчилик ва узумчиликни ширкатларида кўчатларга озуқа тарқатиш жараёнини техникавий инновацион усулларга ўтказилиши тавсия этилади. Бу биологик кўчатларнинг тизимли озукланишини таъминлайди. Ушбу жараёнга маъсул ишчига ҳам катта жисмоний босим камаяди. Ушбу тизимда ножўя таъсир омилларини камайтиришга қаратилган техник, технологик ва гигиеник чора-тадбирларни амалиётга киритилиши ушбу муаммонинг илмий ечимига айланади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони. "Экономика и социум" №4(107)-1 2023 www.iurp.ru 605
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева сабзавотчилик соҳасида кишлок хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
5. Инобатов А. Ўзбекистонда узумчилик соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари Biznes-daily.uz 11.11.2019.
6. Хасанов С. Ўзбекистонда мева-сабзавотликни ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари "Экономическое обозрение" журналы 2020 йил 6 (246)-сон.
7. agrobusiness.ru
8. uzexport.com
9. uzex.com
10. stat.uz

Қабул қилинган сана 20.08.2024